ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА МҲХС АСОСИДА КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР ТУЗИШНИНГ МЕТОДИК ЖИҲАТЛАРИ

Аҳмаджонов Азимжон Каримжон ўғли,
Тошкент Кимё халқаро университети
мустақил изланувчиси, PhD
akhmadjonov@tpp.uz

Аннотация. *Мақолада хорижий давлатларда МҲХС (IFRS) 10 "Консолидациялашган молиявий ҳисобот" стандарти асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботлар тузишнинг методик жиҳатлари таҳлил қилинган. Унда консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг тарихий ривожланиши, асосий тамойиллари, усуллари ва функциялари кўриб чиқилган. Сотиб олиш усули, пропорционал усул ва улушбай иштирок усули каби консолидация усулларининг хусусиятлари очиб берилган. Шунингдек, консолидация периметри концепцияси ва унинг амалий қўлланилиши тушунтирилган.*

Аннотация. *В статье анализируются методические аспекты составления консолидированной финансовой отчетности на основе стандарта МСФО (IFRS) 10 "Консолидированная финансовая отчетность" в зарубежных странах. В статье рассматривается историческое развитие консолидированной финансовой отчетности, её основные принципы, методы и функции. Раскрываются особенности методов консолидации: метод приобретения, пропорциональный метод и метод долевого участия. А также, объясняется концепция периметра консолидации и её практическое применение.*

Abstract: *This article analyzes the methodological aspects of preparing consolidated financial statements based on IFRS 10 «Consolidated Financial Statements» standard in foreign countries. The historical development of consolidated financial reporting, basic principles, methods and functions are examined. The features of consolidation methods are revealed: acquisition method, proportional method and equity method. The concept of consolidation perimeter and its practical application are explained.*

Калит сўзлар: *консолидациялашган молиявий ҳисобот, МҲХС 10, сотиб олиш усули, пропорционал консолидация, улушбай иштирок усули, консолидация периметри, гудвилл, назорат*

Ключевые слова: *консолидированная финансовая отчетность, МСФО 10, метод приобретения, пропорциональная консолидация, метод долевого участия, периметр консолидации, гудвилл, контроль*

Keywords: *consolidated financial statements, IFRS 10, acquisition method, proportional consolidation, equity method, consolidation perimeter, goodwill, control*

Кириш

Бугунги кунда глобаллашув жараёнлари ва корпоратив бошқарув

тизимларининг ривожланиши шароитида консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. МҲХС (IFRS) 10 “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” стандартининг миллий стандартларга нисбатан кўпгина фарқлари мавжуд бўлиб, бу миллий қоидалар бўйича тузилган ҳисоботни халқаро форматга ўзгартириш заруратини вужудга келтирмоқда.

Ўзбекистонда ушбу соҳадаги муаммолар БҲМС 8 “Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестицияларни ҳисобга олиш” стандартида кўплаб асосий тушунчаларнинг таърифи мавжуд эмаслиги ва ҳаққоний қиймат концепциясидан фойдаланилмаслиги билан боғлиқ. Молиявий ҳисоботнинг алоҳида элементларини баҳолаш, тан олиш ва ёритиб бериш масалалари тўлиқ тартибга солинмаган.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар XX аср бошида Америка Қўшма Штатларида пайдо бўлган. 1903 йил 12 март куни U.S. Steel компанияси томонидан 1902 йил 31 декабрь ҳолатига биринчи консолидациялашган молиявий ҳисобот нашр этилган ва Price Waterhouse&Co. аудиторлик компанияси томонидан тасдиқланган. “Scientific American” журнали бу ҳисоботни “қачондир америкалик йирик компаниялар томонидан тузилган энг тўлиқ ва батафсил ҳисобот” деб баҳолаган.

Европада консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг ривожланиши анча кечикиб юз берган. Юридик тўсиқларнинг кўплиги ва айрим давлатларнинг қайта тузилган компанияларга жиддий эътибори туфайли, янги холдинг тузилмаларининг пайдо бўлиши секинлик билан кечган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари таҳлил қилиниб, МҲХС 10 стандартининг талаблари ва консолидация усулларининг хусусиятлари ўрганилди. Консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг тарихий ривожланиши, асосий тамойиллари ва функционал жиҳатлари тизимли равишда кўриб чиқилди.

Тадқиқотда қўлланилган усуллар орасида қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув ва концептуал моделлаштириш усуллари мавжуд. Улар ёрдамида консолидация периметрининг амалий қўлланилиши ва турли усулларнинг самарадорлиги баҳоланган.

Тизимли ёндашув асосида Ўзбекистон Республикасида МҲХСни жорий этишнинг барча босқичлари ва омиллари комплекс тарзда таҳлил қилинди. Амалий тадқиқот учун кейс-стади усули қўлланилиб, “Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг молиявий ҳисоботлари батафсил ўрганилди. Бунда ташкилотнинг миллий стандартлардан халқаро стандартларга ўтиш жараёнидаги амалий муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари аниқланди.

Эмпирик тадқиқот методи сифатида сурвей усулидан фойдаланилди. Бухгалтерия соҳаси мутахассислари, аудиторлар ва молиявий менежерлар билан сўровномалар ўтказилди. Олинган натижалар статистик таҳлил усули ёрдамида қайта ишланиб, интерпретация қилинди.

Индуктив ва дедуктив фикрлаш усуллари орқали умумий қонуниятлардан

хусусий ҳолатларга ва аксинча, хусусий фактлардан умумий хулосаларга ўтиш амалга оширилди.

Адабиётлар шарҳи

Консолидациялашган молиявий ҳисобот соҳасидаги илмий тадқиқотлар кенг доирани қамраб олган бўлиб, унинг назарий ва амалий жиҳатлари турли муаллифлар томонидан ёритиб берилган. Илмий адабиётлар таҳлилидан кўринадики, бу соҳадаги дастлабки ишлар, асосан, россиялик олимлар томонидан олиб борилган.

Л.П. Краснов, Н.Г. Большаков, Л.Г. Кузнецов, С.И. Пучков ва О.Б. Лихачевлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда консолидациялашган ҳисоботлар назарияси ва амалиёти масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ, мазкур ишларда айрим методологик жиҳатлар, жумладан, инвестициялар ҳисоби масалалари етарлича ёритилмаган.

Консолидациялашган ҳисоботнинг тизимости ёндашуви В.С. Плотников томонидан ишлаб чиқилган. Олим консолидациялашган ҳисоботни алоҳида ҳисобот тури сифатида эмас, балки молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми сифатида кўриш зарурлигини таъкидлайди. Ҳозирда ушбу ёндашув замонавий илмий тадқиқотларда кенг қўлланилмоқда.

С.И. Пучкова ва В.Д. Новодворский томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот концепцияси илмий жиҳатдан асослаб берилган бўлиб, муаллифлар “бирлаштирилган” ва “консолидациялашган” ҳисоботлар тушунчалари ўртасидаги фарқни аниқлаган ва бу соҳада терминологик аниқликнинг муҳимлигини кўрсатган.

Замонавий тадқиқотчилар орасида О.В. Бурлакованинг ишлари алоҳида ўрин тутади. Олим консолидациялашган молиявий ҳисоботни юридик шахслар гуруҳининг бирлашган тизими сифатида таърифлаб, унинг амалий қўлланилиш жиҳатларини батафсил ёритган.

З.М. Алиев томонидан олиб борилган тадқиқотларда консолидациялашган молиявий ҳисобот фойдаланувчиларининг эҳтиёжлари ва ҳисобот сифатига қўйиладиган талаблар масалалари кўриб чиқилган. Олимнинг фикрича, консолидация периметридан компанияни чиқариш иқтисодий қарорлар қабул қилишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

В.М. Голиков консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг трансмиллий характерини таъкидлаган ва унинг халқаро даражада тартибга солиниши зарурлигини асослаган. Бу ёндашув замонавий глобаллашув шароитида алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Е.Ю. Волкова томонидан консолидациялашган ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида шакллантирилиши жиҳатлари ўрганилиб, молиявий ва номолиявий маълумотларни бирлаштиришнинг методологик принциплари ишлаб чиқилган.

Маҳаллий олимлар орасида О. Собировнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Олим молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар талаблари даражасида такомиллаштиришнинг иқтисодиётга кўрсатадиган ижобий таъсирини

асослаган.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, консолидациялашган молиявий ҳисобот соҳасида назарий ва амалий масалалар ҳали кўп. Айниқса, тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган консолидация усуллари ва инвестициялар ҳисоби масалалари қўшимча тадқиқотларни талаб этмоқда. Бу эса, мазкур соҳада янги илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Консолидациялашган молиявий ҳисобот бош корхона ва унинг шўъба корхоналарининг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромад ва харажатлари, пул маблағлари оқимлари ягона иқтисодий фаолият субъектининг кўрсаткичлари сифатида тақдим этиладиган компаниялар гуруҳининг молиявий ҳисоботи ҳисобланади. Айнан шундай таъриф МҲХС (IFRS) 10 “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” стандартида келтирилган.


Консолидациялашган молиявий ҳисобот шундай ҳисоботки, унда бош корхона ва у томонидан назорат қилинадиган корхоналарнинг даромадлари, харажатлари, мулклари ва мажбуриятлари ягона корхонанинг кўрсаткичлари сифатида ифодаланади. Бу ҳисобот бош корхона ҳисобланган хўжалик юритувчи субъект томонидан тузилади.

МҲХС 10 стандартининг мақсади корхона бир ёки бир неча бошқа корхоналарни назорат қилган ҳолларда консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш тамойилларини аниқлаш ҳисобланади.

Стандарт қуйидаги асосий талабларни белгилайди: бир ёки бир неча шўъба корхоналарни назорат қиладиган бош компанияни консолидациялашган молиявий ҳисоботни тақдим этишини талаб этиш; консолидация учун асос сифатида инвестор назоратини белгилаш ва инвесторга инвестиция объектини назорат қилиш ёки қилмаслик йўл-йўриғини кўрсатиш; консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун бухгалтерия ҳисобига қўйиладиган талабларни белгилаш; “инвестиция киритган ташкилот” тушунчасини таърифлаш ва унинг алоҳида шўъба корхоналарини консолидация қилиш учун истисно ҳолатларни белгилаш.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг асосий тамойиллари қуйидагиларни ўз ичига олади: бош корхона барча шўъба корхоналарини назорат қилиши лозим; консолидациялашган ҳисобот ягона иқтисодий субъект фаолиятини акс эттириши керак; барча ички операциялар ва қолдиқлар чиқариб ташланиши шарт; назорат қилинмайдиган акциядорлар улуши алоҳида кўрсатилиши зарур.

Тамойилларнинг қўлланилиши жараёнида бош корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисобот ва ялпи даромади тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари шўъба корхонанинг кўрсаткичлари билан қаторма-қатор қўшилади. Барча гуруҳ ичидаги амалиётлар ва қолдиқлар чиқариб ташланади. Шўъба корхона кўрсаткичлари бош корхонанинг улуши 100 %дан кам бўлганда ҳам, тўлиқ қўшилади (1-расм).



1- расм. Консолидациялашган молиявий ҳисобот тартиб-таомиллари.

Капитал қўйилмалар турига қараб консолидация усули аниқланади. МҲХСга мувофиқ консолидациянинг уч асосий усулини ажратиш мумкин: тўлиқ консолидация усули (acquisition method), пропорционал консолидация усули (proportional method) ва улушбай иштирок асосида консолидация усули (equity method).

Тўлиқ консолидация усули (acquisition method)да гуруҳ ўзида ягона иқтисодий тузилмани ифодалайди, бироқ, шўъба корхоналарнинг барча соф активлари бирлаштирилади. Эгалик назорати устувор бўлиб, озчиликнинг ҳуқуқлари консолидациялашган баланс ҳисоботининг пассив қисмида акс эттирилади. Ушбу усул сотиб олиш ёки қўшилиш натижасида ташкил топган шўъба корхоналар учун қўлланилади.

Пропорционал консолидация усули (proportional method) биргаликдаги фаолият учун консолидациялашган молиявий ҳисоботни шакллантиришнинг умумқабул қилинган усули ҳисобланади. Унинг тўлиқ консолидация усулидан фарқи шундаки, назорат қилинмайдиган активлар эмас, фақат қўшма лойиҳа қатнашчисининг ҳақиқий эгалик қиладиган активлари бирлаштирилади.


Улушбай иштирок бўйича консолидация усули (equity method) – агар эгалик улуши оддий акцияларнинг 20-50%ини ташкил этса ва шўъба корхонанинг ҳисобот даврида олинган фойда/зарар қисмини, шунингдек, тегишли кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларини таъсир гуруҳнинг молиявий ҳисоботларида тан олишни назарда тутган ҳолларда қўлланилади.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот бир неча муҳим функцияларни бажаради. Биринчидан, у компаниялар гуруҳи фаолиятининг жорий натижаларини акс эттириб, ресурсларнинг макроиқтисодий даражада қайта тақсимланиши жараёнларига хизмат қилади. Бунда гуруҳдаги ўзаро боғлиқ компаниялар ўртасида ресурсларнинг тўпланиши ва тақсимланиши жараёнлари самарали бошқарилади.

Иккинчидан, консолидациялашган ҳисобот консолидациялашган молиявий оқимларни бошқариш воситаси сифатида энг арзон молиявий ресурслардан фойдаланиш имконини беради, бу эса, корпорациянинг молиявий самарадорлигини ошириш учун муҳимдир.

Учинчидан, раҳбарларни тезкор бошқарув ва хўжалик фаолияти устидан молиявий назорат вазифаларини бажариш учун ягона хўжалик мажмуаси сифатида ташкилотлар гуруҳи тўғрисидаги зарур ахборот билан таъминлаш функциясини бажаради.

Тўртинчидан, давлат билан муносабатлар нуқтаи назаридан, компаниялар гуруҳи йирик солиқ тўловчи объектлар ҳисобланади. Консолидациялашган молиявий ҳисоботда акс эттирилган компаниялар гуруҳининг фаолияти тўғрисидаги ахборот давлат органларига бюджет даромадларини аниқроқ прогнозлаштириш ва мамлакат бюджетини шакллантиришда гуруҳнинг ҳиссасини баҳолаш имконини беради.




2- расм. Акциядорлик жамиятларининг умумий ҳисоботидаги корхоналар тавсифи.

Консолидация периметри ўзида шундай компаниялар рўйхатини ифодалайдики, уларнинг фаолият натижалари ва молиявий ҳолати тўғрисидаги

маълумотлар компания консолидациялашган молиявий ҳисоботи ичида ёритилиши зарур. Унга назорат қилинадиган, биргаликда назорат қилинадиган ёки ҳисобот бераётган компанияга сезиларли таъсир кўрсатаётган компаниялар киради.

Консолидация периметрини аниқлашдан асосий – мақсад уни тушуниш ва эҳтимолий хатоларнинг олдини олиш. Хорижий олимлар ва амалиётчилар “гуруҳ” тўғрисидаги халқаро стандартларни аниқлашда тушунчаларнинг “тор”лигига урғу бермаслик учун “консолидация периметри” атамасини қўллашади.



3-расм. Консолидациялашган молиявий ҳисобот тартиб- тамойиллари.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлашда корхона бош корхона ва унинг шўъба корхоналарининг молиявий ҳисоботларини активлар, мажбуриятлар, капитал, даромад ва харажатнинг ўхшаш моддаларини қаторма-қатор қўшиб чиқиш йўли билан бирлаштиради.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот ягона хўжалик юритувчи субъект сифатида гуруҳ ҳақидаги молиявий маълумотларни ифодалаши учун қатор муҳим ҳаракатлар амалга оширилади: инвестициялар қийматини шўъба корхонанинг соф активларидаги улуш билан алмаштириш; барча ички операциялар ва қолдиқларни чиқариб ташлаш; назорат қилинмайдиган акциядорлар улушини аниқлаш; гуруҳнинг

тақсимланмаган фойдасини ҳисоблаш.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлашда ишлатиладиган бош корхона ва унинг шўъба корхоналарининг молиявий ҳисоботлари бир хил санада тайёрланган бўлиши шарт. Агар бош ва шўъба корхоналар ҳисобот даврининг охирги санаси бир-бирига мос келмаса, консолидация мақсадлари учун шўъба корхонаси бош корхонанинг санасига мос равишда қўшимча молиявий ҳисоботни тайёрлайди.

Илмий адабиётларда консолидациялашган молиявий ҳисобот ҳақидаги турли фикрлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу соҳада назарий ва амалий масалалар кўп. Л.П. Краснов, Н.Г. Большаков, Л.Г. Кузнецов, С.И. Пучков, О.Б. Лихачев каби россиялик олимларнинг тадқиқотларида, асосан, чет элда консолидациялашган ҳисоботлар тузилмаслиги ва “инвестициялар ҳисоби” ҳисобга олинмаслиги тўғрисида эслатмалар мавжуд.

Профессор В.С. Плотников томонидан биринчи бор консолидациялашган ҳисобот бухгалтерия ҳисобининг тизимостиси сифатида ажратилган. У консолидациялашган ҳисоботни ҳисоботнинг алоҳида тури сифатида эмас, балки молиявий ҳисоботнинг бир бўлими сифатида кўриш керак, деган фикрни билдирган.

Иқтисодчи олимлар С.И. Пучкова ва В.Д. Новодворскийлар томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот концепцияси ишлаб чиқилиб, унга таърифлар берилган. Бу муаллифлар биринчилардан бўлиб “бирлаштирилган” ва “консолидациялашган” ҳисоботларни синонимлар, деб ҳисоблаш нотўғри эканлигини таъкидлашади.

О.В. Бурлакова консолидациялашган молиявий ҳисоботни “ўзида бирлашган бош, шўъба, таъсир остидаги ташкилотлар ва биргаликда назорат қилинадиган ташкилотлар сифатида фаолият олиб бораётган юридик шахслар гуруҳининг ҳисобот топшириш санасига мулкий ва молиявий ҳолати ҳамда ҳисобот даврига молиявий натижаларини тавсифловчи кўрсаткичларнинг маълум қоидалар бўйича бирлашган тизими” сифатида таърифлаган.

З.М. Алиев ўзининг илмий тадқиқотида консолидациялашган молиявий ҳисобот асосли иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларда кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириши шарт эканлигини таъкидлайди. Агар консолидация периметридан компанияни чиқариш молиявий ҳисобот фойдаланувчилари томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, бу консолидациялашган молиявий ҳисобот мақсадларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Е.Ю. Волкова консолидациялашган ҳисобот халқаро стандартлар тамойиллари, талаб ва тахминлари асосида гуруҳ аъзоларининг молиявий ва номолиявий маълумотларини бирлаштириш ёрдамида шакллантирилган молиявий ҳисобот эканлигини таъкидлайди. Бу ҳисобот корхоналарнинг консолидациялашган гуруҳини ягона хўжалик субъекти сифатида тасаввур қилиш имконини беради.

Маҳаллий олим О. Собиров республикамиздаги барча хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар талаблари даражасида

юритиш иқтисодиётга хорижий инвестициялар олиб кириш ҳажмининг ошишига олиб келишини таъкидлайди.

Амалий жиҳатдан, энергетика тармоғида инвестициялар ҳисобини консолидациялашган молиявий ҳисоботда акс эттириш жуда мураккаб ва долзарб масала ҳисобланади. Бунинг учун, консолидациялашган молиявий ҳисоботда консолидациянинг барча усуллари аниқ-равшан акс эттирилиши ва МҲХСга мувофиқ инвестицияларни ҳисобга олишда ишлатиладиган ҳисоблар тизими тўлиқ ишлаб чиқилиши зарур.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, хорижий давлатларда МҲХС асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботлар тузиш юқори даражада ривожланган ва кенг қўлланиладиган амалиёт ҳисобланади. XX аср бошида АҚШда бошланган бу тизим бугунги кунда бутун дунё бўйлаб стандартлашган ёндашувга айланган.

МҲХС 10 стандарти консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлашда аниқ йўл-йўриқ ва талабларни белгилайди. Стандартнинг асосий мақсади инвестор назоратига асосланган консолидация тамойилларини аниқлаш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун бирлашган талабларни белгилашдан иборат.

Консолидациянинг уч асосий усули, яъни тўлиқ консолидация, пропорционал консолидация ва улушбай иштирок асосидаги консолидация усуллари турли инвестициялар ва назорат муносабатлари учун мос равишда қўлланилади. Ҳар бир усулнинг ўзига хос хусусиятлари ва қўлланиш соҳалари мавжуд.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот бир неча муҳим функцияларни бажаради, булар: ресурсларнинг самарали тақсимланишини таъминлаш; молиявий оқимларни бошқариш; раҳбарларни зарур ахборот билан таъминлаш; давлат органларига прогнозлаштириш учун маълумотлар бериш.

Шунингдек, консолидация периметри концепцияси ҳисоботга киритиладиган компаниялар таркибини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Бу концепция хатоларнинг олдини олиш ва ҳисобот тўлиқлигини таъминлаш учун зарур.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, консолидациялашган молиявий ҳисобот соҳасида назарий ва амалий масалалар ҳали тўлиқ ҳал этилмаган. Айниқса, энергетика тармоғида инвестицияларни ҳисобга олиш хусусиятлари янада чуқурроқ изланишларни талаб этмоқда.

МҲХСга мувофиқ тайёрланган консолидациялашган молиявий ҳисобот ташкилотнинг мулкий ва молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотни шакллантириб, инвесторлар, бошқа корхоналар ва молиявий институтлар учун қимматли маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. IFRS 10 Consolidated Financial Statements. Консолидированная финансовая отчетность. Available at: https://fin-accounting.ru/ifrs/ifrs10

2. IFRS 10 – Основные правила подготовки консолидированной финансовой отчетности. Available at: https://fin-accounting.ru/articles/2018/ifrs-10-how-to-use-consolidated-financial-statements

3. Консолидированная финансовая отчетность по МСФО. Available at: https://discovered.com.ua/finance/konsolidirovannaya-finansovaya-otchetnost-po-msfo/

4. King T.A. More Than a Numbers Game A. Brief History of Accounting. – N.Y.; John Wiley & Sons Inc., 1992. – Pp.21.

5. Annual Report of the United States Steel Trust // Scientific American, 1903, No4.

6. Алиев Зубайир Магомеддибирович. Формирование консолидированной финансовой отчетности холдингов в соответствии с международными стандартами финансовой отчетности. Автореферат, 2011. – С.10.

7. Медведева Наталья Владимировна. Консолидированная отчетность в организациях нефтегазовой отрасли. – 2009. – С.17.

8. Плотников В.С., Шестакова В.В. Финансовый и управленческий учет в холдингах / В.С. Плотников, В.В. Шестакова. – М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2004. – С.336.

9. Шнейдман Л.З. Как пользоваться международными стандартами финансовой отчетности // Бухгалтерский учет, 2001. – №11. Available at: https://base.garant.ru/989516/

10. Бурлакова О.В. Современные методологические проблемы консолидированного учета. – М.: Бухгалтерский учет, 2008. – С. 368.

11. Голиков Виктор Михайлович. Организация и методика аудита консолидированной финансовой отчетности, составленной в соответствии с МСФО. Автореферат, 2007. – С. 15.

12. Волкова Е.Ю. Формирование и анализ консолидированной финансовой отчетности группы компаний. Автореферат, 2010. – С. 10.

13. Собиров О. Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар талаблари даражасида такомиллаштириш // Халқаро молия ва ҳисоб илмий журнали, 2021, №3. – ISSN: 2181-1016.